ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД
БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ

ANDIJAN STATE
UNIVERSITY NAMED
AFTER ZAKHIRIDDIN
MUKHAMMAD BABUR

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА

Серия: Гуманитар тадқиқотлар

SCIENTIFIC BULLETIN

Series: Humanitarian Studies

2021 / №1 (53)

Андижон
2021 йил

Муассис:

Zahiriddin Muhammad
Bobur nomidagi
Andijon davlat universiteti

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА.
Серия: Гуманитар тадқиқотлар

Журнал бир йилда 8 марта
(серия 2 марта) чоп этилади.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва Оммавий коммуникациялар
агентлиги томонидан 2020 йил 17 августда 1097 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси: 344

Нашр учун масъул:
Д.Неъматова

Журнал фалсафа, тарих, филология, педагогика, кимё ва биология фанлари бўйича Олий Аттестация комиссиясининг диссертациялар натижалари юзасидан илмий мақолалар эълон қилиниши лозим бўлган нашрлар рўйхатига киритилган.

Босишга рухсат этилди: 23.03.2021.
Қоғоз бичими: 60x84 $^{1}/_{8}$.
Босма табоғи: 13,5.
Офсет босма. Офсет қоғози.
Адади: 110 дона.
Баҳоси келишилган нархда.
Буюртма №:21

«Ҳаёт нашри - 2020» нашриёти
матбаа бўлимида чоп этилди.
Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129

Таҳририят манзили:
170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129.
Телефон: +998911602043. Факс: (374) 223-88-30
E-mail: adu_xabarnoma@mail.ru
Расмий сайт: www.ilmiyxabarnoma.uz

Таҳрир ҳайъати раиси:
Расулов Бахтиёр Махмуджонович – тарих фанлари доктори
(Андижон, Ўзбекистон)

Фалсафа
Саифназаров Исмоил Саифназарович – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Иззетова Эмине Мустафаевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Маҳмудова Гули Тилабовна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Юлдашева Фарида Хужамқуловна – фалсафа фанлари доктори
(Андижон, Ўзбекистон)
Когай Евгения Анатольевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Курск, Россия)
Нуришева Гульжихан Жумабаевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Олмота, Қозоғистон)
Шарипова Эркайим Козуевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Ўш, Қирғизистон)

Тарих
Шамсутдинов Рустамбек Темирович – тарих фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Исҳоқов Мирсодиқ Мирсултонович – тарих фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Асқаров Аҳмадали Асқарович – тарих фанлари доктори, ЎзР ФА академиги (Тошкент, Ўзбекистон)
Расулов Абдулла Нуритдинович – тарих фанлари доктори, профессор (Наманган, Ўзбекистон)
Амелин Веналий Владимирович – тарих фанлари доктори, профессор (Оренбург, Россия)
Койгелдиев Мамбет Кулжабаевич – тарих фанлари доктори, профессор (Олмота, Қозоғистон)
Кененсариев Ташманбет Кененсариевич – тарих фанлари доктори, профессор (Бишкек, Қирғизистон)
Комилов Ойбек Камилович – тарих фанлари доктори (Андижон, Ўзбекистон)

Адабиётшунослик
Йўлдошев Қозоқбой Бойбекович – педагогика фанлари доктори, профессор (Гулистон, Ўзбекистон)
Тўхлиев Боқижон – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Юсупова Альфия Шавкетовна – филология фанлари доктори, профессор (Казан, Россия)
Мирзаева Салимахон Райимжоновна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Қосимов Абдуғопир Абдукаримович – филология фанлари доктори (Фарғона, Ўзбекистон)
Ҳамдамов Улуғбек Абдуваҳобович - филология фанлари доктори (Тошкент, Ўзбекистон)
Кунафин Гиниятулла Сафиуллович – филология фанлари доктори, профессор (Уфа, Россия)
Ҳусейн Бойдемир – филология фанлари доктори, профессор (Эрзрум, Туркия)
Абдуқодиров Абдусалом – филология фанлари доктори, профессор (Хўжанд, Тожикистон)
Вали Саваш Йелок – филология фанлари доктори (Анқара, Туркия)

Тилшунослик
Маҳмудов Низомиддин Мамадалиевич – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Ҳошимов Ғанижон Мирзаахмедович – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Менглиев Бахтиёр Ражабович – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Шаҳобиддинова Шоҳида Ҳошимовна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Набиева Дилора Абдулҳамидовна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Алефиренко Николай Федорович – филология фанлари доктори, профессор (Москва, Россия)
Зулпикаров Қапар Зулпикарович – филология фанлари доктори, профессор (Ўш, Қирғизистон)
Бердиалиев Абдували – филология фанлари доктори, профессор (Хўжанд, Тожикистон)

Муҳаррир:
Д.Ҳ.Қуронов, филология фанлари доктори, профессор

МУНДАРИЖА

ФАЛСАФА

У. БЎТАЕВ, О. ҒАНИЕВ
«Ақлий марказлар» – давлат ва жамият бошқарувини ривожлантирувчи асос.....5

ТАРИХ

А. МАМАЖОНОВ
Андижонликларнинг Фарҳод ГЭСи қурилишига қўшган ҳиссаси.....14

О. ЗАРИПОВ
Туркистон ўлкасида ирригация ва сув тақсимотига оид илк қонунлар.....23

М.М. ЭРГАШЕВА
Андижон вилояти архив фондларининг шаклланиш тарихидан (1921–1970 йиллар).....32

С.А. ҲОШИМОВ
Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда диний сиёсати тарихидан.....41

Ш.Т. САИДАХМАТОВ
Мустақиллик йилларида Термиз шаҳри агломерацияси муаммолари.....51

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Д.З. АБДУЛЛАЕВА, И.А. МАДГАЗИЕВ, С.И. ИСЛОМОВА
«Дархон» газетаси ва Чўлпоннинг журналистик фаолияти.....59

И.А. МАДГАЗИЕВ
XIX аср сўнгги чораги ва XX аср бошлари Андижон адабий муҳити манбалари.....70

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.Х. ШАХОБИДДИНОВА, Д.В. ПОПОВ
О языке массовой культуры.....79

Ғ.М. ҲОШИМОВ, Ҳ.О. ҚОСИМОВА
Турли тизимдаги тилларда кириш бўлакларнинг лингвокогнитив ва лингвокультурологик жиҳатлари.....89

Ғ.М. ХОШИМОВ, С.Ж. НАЗАРОВА
Турли тизимдаги тилларда поликомпонентли қўшма гапларнинг мақоми ва дискурсив жиҳатлари.....98

З.М. ҚОДИРОВ
Ўзбек тили келишик системасининг ўзаро функционал-семантик нейтрализацияси.....108

Д.С. НЕЪМАТОВА
Чўлпон публицистик асарлари услубиятига доир.....116

М.Т. ХАЛИЛОВА
Илмий-оммабоп нутқ матнлари ва уларнинг услубий хусусиятлари.....124

CONTENTS

PHILOSOPHY

U. BOTAEV, O. GANIEV
«Think tanks» – the basis for the development of government and public administration.....5

HISTORY

A. MAMAJONOV
Contribution of andijan people to the construction of Farhod hydroelectric powerstation.....14

O.O. ZARIPOV
The first laws on irrigation and water distribution in the turkistan region.....23

M.M. ERGASHEVA
From the history of formation of archival funds of andijan region (1920-1970).....32

S.A.KHOSHIMOV
From the history of the religious policy of the soviet government in Uzbekistan....41

SH.T. SAIDAHMATOV
Problems of Termiz city aglomeration In the years of independence.....…51

LITERARY STUDIES

D.Z. ABDULLAEVA, I.A. MADGAZIEV, S.I. ISLOMOVA
Darkhon newspaper and chulpon's journalistic activity.....59

I.A. MADGAZIEV
Sources of the andijan literary environment of the last quarter of the XIX century and the beginning of the xx centuy.....70

LINGUISTICS

Sh.H. SHAHOBIDDINOVA, D.V. POPOV
About the language of mass culture.....79

G.M. HOSHIMOV, H.O. KOSIMOVA
Linguvocognitive and linguculturological aspects of introduction in different languages.....89

G.M. XOSHIMOV, S.J. NAZAROVA
Status, length and discoursive features of polycomponential composite sentences in non-related languages.....98

Z.KODIROV
Functional-semantic neutralization of the uzbek language case system.....108

D.NE'MATOVA
Chulpon on the style of publicistic works.....116

M.T. KHALILOVA
Popular-scientific speech texts and their stylistic peculiarities.....124

УДК 94(575.1)

СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ДИНИЙ СИЁСАТИ ТАРИХИДАН

С.А. Ҳошимов

Мақола Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва мустаҳкамланиши жараёнида большевиклар ҳукумати диний идора ва диндорларга нисбатан юритган чекловлар, таъқиб ва тазйиқ сиёсатини бирламчи манбалар асосида очиб беришга бағишланган. Марказ ҳукуматининг диний сиёсатдан кўзлаган асосий мақсади, диндорларга нисбатан қўлланилган сиёсий, иқтисодий таъқиблар диндорларнинг сайлов ҳуқуқларидан маҳрум қилиниши масалалари архив маълумотларига таянган ҳолда ёритилган.

Калит сўзлар: *большевиклар, совет, съезд, партия, дин, диндорлар, руҳоният, пролетариат, маданият, масжид, мадраса, атеист, черков, мафкура.*

Статья посвящена раскрытию на основе первоисточников политики большевистского правительства по ограничению, преследованию и притеснению религиозных институтов и верующих при установлении и укреплении Советской власти в Узбекистане. Кроме того, основываясь на архивных данных, в исследовании подчеркивается главная цель религиозной политики центрального правительства, политическое и экономическое преследование верующих и лишение их права голоса.

Ключевые слова: *большевики, совет, съезд, партия, религия, верующие, духовенство, пролетариат, культура, мечеть, медресе, атеист, церковь, идеология.*

Большевиклар ҳали ҳокимиятга келмасларидан олдиноқ динни инкор қилган эди. Уларнинг динни халқ учун афюндир деб эълон қилиши замирида инсониятнинг неча минг йиллар давомида шаклланган эътиқодини чилпарчин қилиш ғояси ётар эди. Большевиклар ҳокимиятга келгандан кўп ўтмай бутун мамлакат бўйлаб дин ва диндорларга қарши ташвиқотни очиқдан-очиқ бошлаб юборди. Пролеткульт (йўқсиллар маданияти) ташкилоти динга қарши коммунистлар ғоясини ташвиқ қилувчи ва амалга оширувчи муассаса вазифасини ўтай бошлади. Эски жамиятдан мерос бўлиб қолган, яъни миллатлар неча асрлар давомида вужудга келтирган барча маданий қадриятлар, жумладан, адабиёт, дин, урф-одат, анъаналар – барча-барчаси инкор этилди. Дин ҳамда диндорларга қарши кураш муттасил равишда, босқичма-босқич кучайтирилган ҳолда олиб борилди.

Атеистик ҳамда динга қарши фаолиятига қарамасдан, большевиклар Туркистонда ўз ҳокимиятини ўрнатишнинг дастлабки йилларида дин ва диндорларга муносабатда ўта айёрона, эҳтиёткор сиёсат олиб борди. 1917 йил октябрь тўнтаришидан сўнг зўрлик билан ҳокимиятни олган большевиклар сиёсий фаолиятларида, айниқса, диний сиёсатни амалга оширишда, маданий соҳаларни ўз мафкура измига солишда доим Россия большевикларининг инструкция ва кўрсатмаларига оғишмай амал қилишган эди.

Большевикларнинг «маданий» сиёсати ахлоқ, адабиёт, санъатни миллий заминдан ажратиб қўйишга, миллий фикрлаш тарзига ёт бўлган «пролетар маданияти», коммунистик мафкурани сингдиришга сафарбар қилинди. Бу моҳиятан тушунарли ҳолдир. Совет ҳокимияти халқимиз менталитетини ўзгартирмасдан, коммунистик андозага солмасдан туриб бу ўлкада узоқ муддат қола олмасликларини яхши билар эдилар. Буюк маънавиятимизга қарши кураш сиёсатини большевиклар бирданига эмас, хуфиёна ва ошкора босқичма-босқич амалга ошириб бордилар.

РСФСР Халқ Комиссарлари Совети (ХКС) 1917 йил 20 ноябрда эълон қилган «Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига» мурожаатида: «Сизнинг дин ва урф-одатларингиз, сизнинг миллий ва маданий муассасаларингиз бундан буён эркин ва дахлсиз деб эълон қилинади. Ўз миллий турмушингизни эркинлик билан ва баҳузур туза беринг. Шундай қилишга ҳақлисиз. Билингки, сизнинг

ҳуқуқингиз ҳам Россиядаги барча халқларнинг ҳуқуқи каби революция ва унинг органлари бўлган ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советининг бутун қудрати билан ҳимоя қилинади» [1. Б. 283], деб эълон қилгани ҳолда ҳақиқий ҳаётда бунинг акси бўлди.

РСФСР ХКСнинг 1918 йил 2 январдаги «Черковни давлатдан, мактабни черковдан ажратиш тўғрисида»ги декрети асосида Туркистонда ҳам атеистик экстремизм сиёсати фаол равишда ўтказила бошланди. Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Совети 1918 йил 20 ноябрда РСФСРдаги каби Туркистонда ҳам динни давлатдан, мактабни диндан ажратиш тўғрисидаги декретини эълон қилди. Ҳудди шу декрет асосида Туркистонда ҳам масжид ва мадрасаларни ёппасига ёпиш, ислом дини ва унинг раҳнамоларига қарши кураш бошланди. Мазкур ҳужжат асосида мусулмон ташкилотларига қарашли вақф мулклари халқ мулки деб эълон қилинди ҳамда Туркистон АССРнинг Миллатлар бўйича халқ комиссарлиги қошида Вақф бўлими ташкил қилинди. Шунингдек, мактабларда динни ўқитиш ҳам тақиқланди [25. Б. 337].

Туркистондаги совет ҳокимиятининг динга қарши атеистик сиёсати ўз навбатида маҳаллий аҳоли орасида норозиликларни келтириб чиқарди. Бундай шароитда большевиклар жамиятда кучли мавқега эга эмаслиги уларни ўлкада ўз сиёсий ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун дин ва диндорларга нисбатан сиёсатни ўзгартиришга мажбур этди. Ислом дини Ўрта Осиё халқлари маданий қадриятларининг асосини ташкил қилишини яхши билган большевиклар динга қарши очиқ кураш, яъни уни очиқдан-очиқ инкор этиш эмас, балки зимдан кураш тактикасига ўтган эди.

Шу сабабдан ҳам Туркистон большевиклари диний сиёсатда Марказнинг «диний сарқитларга қарши курашда жуда эҳтиёткор бўлиш», динга қарши уни бевосита инкор қилмасдан, балки саводхонликни ёйиш, мактаблар, клублар, қироатхоналар очиш, Ер ва инсон тарихи ҳақидаги билимни ёйиш ва энг асосийси мусулмон диний ташкилотларининг синфий характерда эканлигини кўрсатиш орқали курашиш лозим, дея берган кўрсатмаларига амал қилдилар [25. Б. 337]. Бироқ бундай муносабат большевикларнинг вақтинчалик қўллаган стратегик усули эди.

ХХ асрнинг 20-йиллари бошларида ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаб бориши баробарида дин ва диндорларга қарши очиқдан-очиқ кураш тактикасига яна қайтилган эди. Динга ва диндорларга қарши сиёсат масаласидаги янги қадам 1921 йил 9 августда қабул қилинган РКП(б) МКнинг «динга қарши ташвиқот олиб бориш масалаларига доир» кўрсатмаси бўлди. Партия дастурига мувофиқ, партия ходимларининг диний муассасалар билан алоқа қилиши тақиқланиб, уларга фаол атеистик ташвиқот ва тарғибот олиб бориш уқтирилди. Шунингдек, партия сафларига диний муассаса ходимлари ва улар билан алоқадор кишиларнинг кириб қолишига йўл қўймасликка чақирилди. 1923 йилдан бошлаб Туркистон МИҚ қарори асосида жойларда диний маросимларда қатнашган ва диндорлар билан алоқада бўлган партия ходимларини партия сафидан чиқариш бошланди.

1926 йилнинг 30 апрелида ВКП(б) Марказий қўмитаси ҳузурида бўлиб ўтган партия кенгашида динга қарши тарғибот тезислари [2. Б. 269] қабул қилинади. Марказий қўмита белгилаб берган вазифаларни жойларда ортиғи билан адо этишга киришилади. ЎзКП(б) Марказий қўмитасининг маъсул котиби Х.Бурнашев 1927 йил 7 августда «Шахсан Округ партия қўмиталари маъсул котибларига» берган 02237-М рақамли «ўта махфий» йўриқномасида «истисносиз, фақат ижроия бюронинг ёпиқ йиғилишларида динга қарши курашнинг қатор масалалари кўриб чиқилсин» [2. Б. 269], деб кўрсатма беради.

1927 йил 16–24 ноябрда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон ССР Компартиясининг III съезди «Дин ва динга муносабат» масаласида иккита резолюция қабул қилиб, ушбу резолюциялар «партия аъзолари ичидаги ярамас ҳоллар ва сиёсий оқартув ишлари» деб номланди [3. Б. 251]. Съезд резолюцияларида «мактаб, қизил бурчак, қизил чойхона, клублар, деҳқонлар уйи, агрономия марказлари ва худосизлар ячейкалари динга қарши ташвиқот марказига айланиши керак» деб таъкидланди [3. Б. 251]. Шу билан бир қаторда, фаоллар орасида диний-маиший урф-одатларга – хатна қилиш, диний дафн маросимлари ўтказиш, мозорларни зиёрат

қилиш, никоҳ ўқитиш ва ҳоказоларга қарши кураш олиб бориш лозимлиги талаб қилинди [3. Б. 251].

ЎзССР Компартияси МҚнинг 1927 йил 13–15 июнда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган VI пленумида ЎзКП Марказий қўмитасининг масъул котиби Акмал Икромов «Руҳонийлар ва мактаб ҳақида» маъруза қилди [4. Б. 301–305]. Ўз КП(б) Марказий қўмитасининг VI пленуми ислом дини ва унга муносабат масаласида асосий ғоявий кураш асосларини белгилаб берган эди. ВКП(б) Марказий қўмитаси Ўрта Осиё бюросининг XIII пленуми «қарорларини ривожлантириш ва аниқлаштириш»да динга қарши ташланган катта қадам бўлган VI пленумда: «Ислом бошқа динлар каби маданиятни ривожлантириш йўлида пролетариат ғояларини мустаҳкамлаш ва социализм қурилишида катта тўсиқ ҳисобланади» деган қарорга келинади. Шу билан бирга, унда «Эшонлик эса патриархал-феодал жамиятнинг асосий ғояси ўлароқ, Ўзбекистоннинг қолоқ вилоятларида, айниқса, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразмда чуқур илдиз отган», [4. Б. 305] деб кўрсатилади.

Ўзбекистон КП(б) Марказий қўмитаси ижроия бюросининг 1927 йил 21 июлда ўтказилган ёпиқ мажлисида 104-қарор қабул қилинади ва динга қарши мунтазам олиб бориладиган кураш моҳияти белгилаб берилади. Жумладан, унда, «округлар фирқа қўмиталарига қатъиян таъкидлансин ва кўрсатилсинки, дин билан кураш олиб боришда асосий тадбирларни амалга оширишда Ўз КП(б) Марказий қўмитасининг VI пленуми қарорларига оғишмай амал қилинсин. Марказқўмнинг қўшимча қарорларидан 1927–1928 йил қиш мавсумида фойдаланиш давом этиб, келгуси йилнинг кузига қадар барча ички тайёргарлик ишларига асос қилиб олиш керак бўлади.

Ҳозирги пайтда дин билан курашдаги барча ишлар фаол ташвиқот юритиш ва тушунтиришга қаратилган бўлиб, оммага таъсир ўтказиш ва ўртаҳолларни оғдириб олишни мақсад қилиб қўйиш керак, бунда бойлар ва советларга қарши унсурларни, советларга душманлик, босмачиларга ён босиш, иғвогарлик иллатларини фош этиш асосий эътиборда тутилиши лозим» [2. Б. 270–271] дейилади.

«Консерватив руҳонийлар, – дейилади VI пленумнинг «махфий» рукни остидаги қарорида, – савдогарлар табақасининг таниқли қисмида, чорвадорлар ва қулоқлар орасида томир ёйган бўлиб, инқилобга қадар бўлган даврларда эгаллаган маррасини ҳали охирига қадар қўлдан чиқарган эмас. Ўзбекистонда динга қарши масалалар партия аъзолари ўртасида зарур даражада қўйилган эмас эди. Ҳар бир партия аъзоси, айниқса, фаоллар тушуниб етиши керакки, коммунизм ва дин ўзаро кўндалангига қарама-қарши бўлиб, уларни бир бутун ҳолда бирлаштириш мутлақо мумкин эмас. «Ким дин тарафдори бўлса, у партия аъзоси бўлиши мумкин эмас» – шиори ҳаётга татбиқ этилиши лозим» [2. Б. 269]. Ушбу қарор асосида жойларда динга қарши кенг тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди. ОГПУ органлари эса диний идоралар ва диндорлар фаолиятини қатъий назорат остига олди. Диний уламолар орасига ўз одамларини киритиб ёки айғоқчилар ёллаб диний маросимлар ва диндорлар ичидаги вазият ҳақида маълумотлар тўплаб бордилар.

1928 йилнинг февраль ойида Ўзбекистон Компартияси МИҚ тарғибот-ташвиқот бўлимининг республикада динга қарши фаол ташвиқот олиб бориш учун 1928 йил «Худосизлар» журнали таъсис этилди. Журналнинг бир ойда бир марта 3000 нусхада, 3-4 босма табоқ ҳажмда, араб имлосида чоп этиш ҳақида махсус қарор чиқди [15. Б. 31]. 1929 йил 1 февралдан бошлаб «Худосизлар» журнали лотин имлосида ўзбек тилида чоп этила бошланди [16. Б. 98]. Кейинроқ «Ўзбекистон худосизлари» («O‘zbekistan xudasizlari»), «Худосиз» («Xudasiz») номли газеталар чоп этилди. Ушбу газета ва журналлардаги мақола ва фельетонлар орқали динга ва руҳоният вакилларига қарши ташвиқот олиб борилди. Жумладан, «Худосиз» («Xudasiz») газетасида «Бутхоналар фронтда», «Динга қарши зарба беражак» сарлавҳали мақолаларда динни эскилик сарқити сифатида қоралаб, масжидга бориб намоз ўқишлар хурофот деб уқтирилади [17].

Ўзбек халқи эътиқод-қадриятларига қарши курашда мумтоз чойхоналар ҳам кураш майдонига айлантирилади. 1925 йилнинг январь ойида республика ҳудудида 25 та «қизил чойхона» очилиб, зарур адабиётлар, газета

ва журналлар билан таъминланган [5. Б. 130]. Ҳар бир «қизил чойхона»да «Ленин бурчаги» ташкил этилиб, унга Ленининг асарлари, портретлари, фотосуратлари, ҳаёти ва фаолиятидан ҳикоя қилувчи плакатлар қўйилган. Диний қадриятларга қарши «Динга қарши курашда комсомол», «Динга қарши кураш социализм учун курашдир» каби шиорлар илиб қўйилди [18].

1926 йилга келиб, Ўзбекистонда 177 та «қизил чойхона» фаолият кўрсатар эди [19. Б. 49]. Аҳолини қизил чойхоналарга жалб қилиш мақсадида совет давлати томонидан турли хил тадбирлар ҳам олиб борилди. Жумладан, 1925–1926 йилларда Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида юз берган қурғоқчилик оқибатида содир бўлган қийин шароитда «қизил чойхона»ларда аҳолига арзон нархда озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш ишлари ташкил қилинди.

1929 йилдан Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган қизил чойхоналарда худосизлар ячейкалари ҳам ташкил қилинади [20. Б. 7]. Худосизлар уюшмасининг 3300 та қуйи ташкилоти бўлиб, уларда 12 минг киши бирлашган эди [21. Б. 19].

1930–1935 йилларда республиканинг 362 та маданий клуби, 2560 та «қизил чойхона»си, 5 та хотин-қизлар клуби ва 12 та маданий истироҳат боғи динга қарши тарғиботчилик ўчоқлари сифатида хизматда бўлди [22. Б. 5]. Қизил чойхоналар фаолияти, уларнинг динга қарши олиб бораётган тарғиботи масалалари доимий назорат қилиб борилган. 1931 йилда «Худосиз» («Xudasiz») газетасида эълон қилинган «Қизил чойхоналарда динга қарши кураш йўлга қўйилсин» номли мақолада Фарғона вилоятининг кўплаб шаҳар ва қишлоқларидаги «қизил чойхона»лар динга қарши ташвиқот юритувчи газета ва журналлар билан таъминланмагани танқид остига олинган [23].

1931 йилда биргина Қўқон шаҳрининг ўзида 20 дан ортиқ «қизил чойхона» мавжуд бўлиб, ҳар бир чойхонада деворий газеталар, қизил бурчаклар ташкил қилиниб, динга қарши ташвиқот-тарғибот фаолиятини олиб борган [23].

1931 йил 22 январда «Худосиз» («Xudasiz») газетасида «Бойлар билан муллалар иттифоқи» сарлавҳаси остида эълон қилинган мақолада «Синфий душман бой ва муллалар дину хурофотлардан фойдаланиб, ўз кучини уюштириб советларга қарши чиқмоқда, маҳаллий партия ходимларини уларга қарши уюштириб зарба бериш лозим» деб уқтиради [24].

Совет ҳокимияти диний уламоларга ва хизматчиларга нисбатан иқтисодий ҳамда сиёсий таъқибларни амалга ошириб, уларни ҳам маънан, ҳам иқтисодий жиҳатдан синдиришга ҳаракат қилди. Бу эса руҳоният вакиллари норозилигини ошириб борди. 1925 йил мартида Наманган уездининг Ахси-Шаханд, Поп волостларида диний уламолар ва оддий халқ томонидан совет ҳокимиятининг мусулмон дини, шариат қонун-қоидаларини топтаётгани, диндорларга нисбатан таъқиб кучайиб бораётганидан норозилик чиқишлари бўлди. Унда шариатча яшашга рухсат беришни талаб қилдилар. Намойиш қатнашчиларидан бир гуруҳи ГПУ ходимлари томонидан ҳибсга олинган [5. Б. 196].

Диндорларга қарши курашда совет ҳокимияти синовдан ўтган асосий методлардан бири – иқтисодий исканжага олиш йўлидан ҳам кенг фойдаланди. Бунга унинг 1920–1930 йилларда диндорларга қарши курашда иқтисодий таъқиб чораларини кучайтириш юзасидан қабул қилган қарорлари далил бўла олади.

Диндорларга қарши иқтисодий таъқибнинг кўринишларидан бири уларнинг солиққа тортилиши эди. Кўрсатилган тартибда диний хизматчилар ҳам қуйидаги солиқларни тўлашга тортилди: қишлоқ хўжалиги солиғи, асосий (синфий) ёндашув мол-мулкдан олинадиган, мулкий нақд пул солиғи, тенглаштирувчи йиғим, маҳаллий йиғим, фуқаролик бадали, жон бошига олинадиган солиқ, ҳарбий мажбурият солиғи, бирданига тўланадиган солиқ, ўсиб борувчи солиқ. Ундан ташқари 1923–1924 йилларда маҳаллий волост ва уезд солиқ комиссиялари беш сўмлик иккита – бири давлатники, иккинчиси ютуқ пуллик лотереялар чиқариб, уларни мажбурий тарқатар эдилар [6. Б. 196–197].

Диний муассасалардан қишлоқ хўжалик солиғи билан биргаликда иш ҳайвонлари ва мол-мулкдан алоҳида солиқ нақд пулга мол

бошига ҳамда ҳайвонлар турига қараб олинган. Мулкий нақд пул солиғи диндорлардан 14 рубль 40 тийиндан, ундан ташқари тенглаштирувчи йиғим солиғи ҳам қўшиб ундирилган. Уни маҳаллий идоралар белгилаган бўлиб, 10 рублдан бошлаб ижтимоий аҳволга қараб ортиб борган. 1930 йил 5 январда СССР Молия ХК қарори билан барча диний идоралар ва ташкилотлар ўзлари фойдаланаётган бино ва ер майдонлари учун оширилган тартибда солиққа тортилдилар [7. Б. 11].

Диний уламоларга нисбатан иқтисодий ҳамда сиёсий жазо чораларини қўллаш 1927–1928 йилларда янада кучайди. Масалан, Тошкент шаҳар Ҳазрати Имом (Ҳастимом) маҳалласида 1858 йилда туғилган Тилла Шайх масжиди имом-хатиби Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхоннинг Яланғоч мавзесидаги ерлари ва мол-мулки 1928 йилда мусодара қилинади. Фарзандлари мактабдан ҳайдалади. Ўзи милиция кузатуви остида бўлади [10. Б. 65–67]. Яна бир диний уламо Нарзулло махсум Абдуллаев (1894–1980) Самарқанд вилояти Қўшработ тумани Қийқим қишлоғида туғилган. Бухородаги Мир Араб мадрасасида таълим олган. 1927 йили мол-мулки мусодара қилиниб, ўн йилга Қозоғистоннинг Қизил Ўрдасига сургун қилинган [10. Б. 342].

Диндорларга, диний хизматчиларга нисбатан иқтисодий репрессиялар билан бир вақтда сиёсий репрессиялар ҳам қўлланиб борилди. Сиёсий репрессия кўринишларидан бири ҳуқуқлардан маҳрум қилиш эди. Бу даврда аҳолининг кўплаб қатламларига нисбатан ҳуқуқлардан маҳрум қилиш сиёсати қўлланилди. «Маҳрумлар»га солиқлар оширилди, колхозларга кириш чекланди, ишга жойлашишда муаммоларга дучор қилинди. «Ҳуқуқлардан маҳрум» қилинганлар, уларнинг оила аъзолари ва яқинлари ҳам ёт унсурлар сифатида ушбу сиёсатдан четда қолмади.

1925–1926 йиллар шаҳар ва қишлоқ советларига сайловлар ўтказилганда ҳам сайлов ҳуқуқидан «маҳрумлар» рўйхатидан диний хизматчилар, имомлар, хуллас, диний лавозими ва иқтисодий аҳволидан қатъи назар, барча диний хизматчилар жой олди [7. Б. 19–21].

1927 йилдаги Ўзбекистон ССР Конституциясида сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи «Шўроларга сайлаш тўғрисида»ги 6-бўлимнинг 13-боби 92–93-моддаларида белгиланган [13. Б. 210]. Ўзбекистон ССР МИҚнинг 1927 йил 12 декабрдаги «Шўроларга сайлов тўғрисида дастуриламал»ида эса сайлов ҳуқуқидан фойдалана олмайдиганларга тавсиф берилган [13. Б. 210]. Унга кўра, фойда олиш мақсадида ёлланма меҳнатдан фойдаланувчи, меҳнатсиз топилган даромадлар (сармоядан келган фоизлар, савдо корхоналаридан келган даромад, мулкдан келган унумлар) ҳисобига яшовчилар, савдогарлар, диний хизматчилар, собиқ миршаблар ва бошқа тоифадагилар қонун бўйича сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиниши кўрсатилган.

Самарқандда 1929 йилда 18 ёшга тўлган сайловчиларнинг сони 86981 кишини ташкил этган бўлиб, шундан 8772 киши сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинган. Бу сайловчилар умумий сонининг 11,2 фоизини ташкил этади. Сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинганлардан 471 нафари тадбиркорлар ва 419 нафари меҳнатсиз даромад ҳисобига яшаётганлар деб топилган, 4464 нафари савдо-сотиқ билан шуғулланувчилар, 150 нафари собиқ миршаблар ҳамда Россия империяси ва амирнинг амалдорлари бўлгани ҳолда, 621 нафари имомлар ва бошқа руҳонийлар ҳам сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилган эди [14. Б. 431–432].

Сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар нафақат сиёсий, балки фуқаролик ҳуқуқларидан ҳам маҳрум қилиндилар. Улар иш жойларидан бўшатилдилар, касаба уюшмалари ва колхозларга аъзоликка қабул қилинмадилар, товар ва озиқ-овқат маҳсулотлари олиш карточкалари берилмади, бирон-бир лавозимга тайинланиши ёки олий ва ўрта махсус билим юртига ўқишга кириши мумкин бўлмади [13. Б. 213].

Ундан ташқари 1930 йил августда қабул қилинган «Фуқароларнинг бандлигини таъминлаш» тўғрисидаги БМИҚ қарорига мувофиқ собиқ диний идора хизматчиларининг ишга жойлашуви ҳам муаммо остида қолди. Диний хизматчилар энди ишга жойлашиш учун яшаш жойини, ҳатто фамилиясини ҳам ўзгартиришга мажбур бўлар эди. Агарда шундай қилиб ишга жойлашиб олганда ҳам, улар зараркурандаликда айбланиб, ҳибсга олинар эди.

Динга қарши муносабат туфайли ислом дини ва маънавиятини мукаммал эгаллаган,

имони бутун, ҳалол ва виждони пок юзлаб шахслар қамалди, қатағон қилинди ёки мамлакатдан ҳайдалди. Совет ҳокимияти жазо органлари диний хизматчиларни таъқиб қилишни тўхтатмадилар. Қашқадарё вилояти Ғузор туманида 3-участка халқ судининг раиси бўлиб ишлаган 33 ёшли Мулло Мурод Нурмуҳаммедов уйланиш тўйида диний асосда никоҳ ўқитганлиги учун ўзи ҳам, никоҳ ўқиган мулла ҳам жазога тортилади. Бу масала округ фирқа қўмитаси назорат комиссиясининг 1927 йил 7 майдаги йиғилишида кўриб чиқилган ва 7-қарорда ўз аксини топади. 1927 йил 17 мартда фирқа коллегиясининг 5-қарори асосида, Қори Файзи Нуриллаев руҳонийнинг ўғли бўлганлиги учун «ёт унсур» сифатида жазога тортилади. Бу 38 ёшли Абдураҳмон Пўлатов ва Ҳол Шокировларга ҳам тегишли бўлади. Шаҳрисабз қамоқхонасининг бошлиғи бўлган, 29 ёшли Ҳол Шокиров шариат қозиси вазифасида ишлаганлиги, буни фирқага киришда яширганлиги учун «ёт унсур» сифатида жавобгарликка тортилади [2. Б. 272].

Китоб тумани маориф бўлимида назоратчи бўлиб ишлаган, 40 ёшли Абдухалил Юнусов ҳам шу даврда ҳожи бўлганлиги, эски усул мактабини ёқлаганлиги учун партиядан чиқарилган. Ҳусайн Насруллаев тўй қилганлиги, диний урфларга риоя қилиб, ош берганлиги учун «Қизил Ўзбекистон» газетасида танқид остига олинади ва қамаб юборилади. Партия ва совет ишларида бўлган Мулло Расулов собиқ имом бўлгани учун, мулло Эрмат Шорматов эса босмачиларга кўмак беришда айбланиб [2. Б. 272] жазога тортилади.

ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги Мухтор вакиллигининг 1927 йил 30 ноябрда берган маълумотига кўра, Бухоро вилояти Кармана тумани Ташробот қишлоғидан мачит имоми Аҳмедов Саидкомил, ўша қишлоқдан 1904 йил туғилган, имом котиби Саидов Муллаёдгор, Ташробод қишлоғида 1899 йилда туғилган, мулла Эргашев Йўлдош, Варрак қишлоғида 1905 йил туғилган, маҳалла имоми Идрисов Баҳром руҳонийларнинг исёнчилик ҳаракатларида мунтазам қатнашгани, совет тузуми олиб бораётган сиёсатга қарши ташвиқот олиб боргани учун, «босмачилар»ни ғоявий руҳлантирганликда айбланиб, 5 йилга сургун қилинган [8. Б. 123].

1927 йил 9 июндаги СССР МИҚ қарорига мувофиқ ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги Мухтор вакиллиги ҳузурида ташкил қилинган «учлик»нинг 1930 йил 17 декабрдаги №114-сонли баённомасига мувофиқ Бойзаков Санақул, Ғойбердиев Муллаусмон, Мулларозиқхон Алиев, Омонуллаев Абдулла, Хўжамқулов Ҳожимурот, Муқимов Ҳокимхон мулла, имом, диний уламо сифатида, ёт унсур, «босмачилар»нинг ғоявий раҳнамолари, совет тузумини ағдариш учун зимдан ташвиқот олиб борган, де-ган айбловлар билан 3 йилдан 10 йилгача муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинади [8. Б. 18–33]. 1931 йил 24 октябрда ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги Мухтор вакиллиги «учлиги» Зулфиқор Бойқуловни ўтмишда дин пешвоси, имом бўлган, 1931 йил баҳоридан Ҳусайнбек сўнгра Мулла Ҳайдар қўрбошиларга ёрдам берган, «босмачилар»ни ғоявий жиҳатдан руҳлантириб турган, совет ҳокимиятига қарши курашган деган айбловлар билан отувга ҳукм этган [9. Б. 69–70]. Худди шу куни «учлик» томонидан 37 ёшли Досат Тошпўлатов ўтмишда имом бўлган, Зулфиқор қўрбошини қўллаб қувватлаган, деб отувга, 47 ёшли Рустам Қосимов имомнинг ўғли, ўзи ҳам масжидда имом бўлган, Мулла Зулфиқор қўрбоши йигитларига қўшилган ва уларни руҳлантириб турган, деган айбловлар билан 5 йилга озодликдан маҳрум этилди [9. Б. 74–80].

Совет ҳокимияти қатағон сиёсатининг қурбони бўлган диний уламолардан яна бири Муҳаммад Исахон Бадалмуҳаммад ўғлидир (1854–1930). У 1854 йил Тошкент шаҳри Себзор даҳасининг Чархчиқўча маҳалласида зиёли оиласида туғилган. Мир Араб мадрасасида ўқиган. Муҳаммад Исахон 1918 йилдан бошлаб Уламолар жамиятининг раиси бўлиб ишлайди. У Себзор даҳасининг аълами сифатида турли масалалар юзасидан аҳолига фатво берган. 45 йилга яқин Бароқхон, Қосимбой, Худойқули Додхоҳ мадрасаларида турли фанлардан талабаларга дарс берган. Қосимбой мадрасаси ёпилгач, Муҳаммад Исахон ўз маҳалласидаги масжидда имом-хатиблик қилган. 1930 йил совет органлари томонидан ҳибсга олинган. Омманинг норозилиги кучайгач, у 54 кунлик ҳибсдан кейин озод этилган. Муҳаммад Исахон озодликда унча узоқ яшамади, қамоқдаги қийноқлар ўз кучини кўрсатиб, 1930 йил 16 ноябрда вафот этди [10. Б. 145].

XX асрнинг 30-йилларида совет ҳокимияти қатағон сиёсатининг қурбони бўлган руҳоният вакилларидан бири Очилов Пўлат қоридир. У 1897 йил Асака туман Қоратепа қишлоғида туғилган, ўзбек. ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги «учлиги»нинг 1932 йил 19 майдаги ҳукмига кўра, Очилов Пўлат 1926 йилгача домла-имом бўлиб ишлаган, отаси ҳам диний уламо бўлган, совет тузумига қарши чиққан, колхозлаштиришга қарши ташвиқот олиб борган, деган айбловлар билан 10 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинган [7. Б. 95]. Имомов Тошниёз имомнинг ўғли, дин пешвосига, колхозлаштиришга қарши ташвиқот олиб борган, деб 5 йилга, Музаффаров Нурилламулла имомнинг ўғли, 1926 йилга қадар масжидда қори бўлиб ишлаган, совет ҳокимиятининг колхозлаштириш сиёсатига қарши кураш олиб борган, деган айблар билан 5 йилга озодликдан маҳрум этилади [9. Б. 89–120].

Яна бир диний уламо Маҳмудов Оббосхон Тўра (1889 йил Асака туман Ниёзботир қишлоғида туғилган, ўзбек) ҳам 1932 йил ГПУ ходимлари томонидан хибсга олинган. У бу пайтда масжидда имом бўлиб хизмат қилган. Маҳмудов Оббосхон Тўрага аксилинқилобий ҳаракатлар қатнашчиси, колхоз тузумига қарши тарғибот олиб борган деган «айблов» асосида 3 йилга озодликдан маҳрум этиш жазоси қўлланилган [7. Б. 123].

Андижон округи Марҳамат туман Қорабоғиш қишлоғида масжид имоми Эргашев Йўлдош Қори (1899 йилда туғилган, ўзбек) ҳам ГПУ ходимлари томонидан 1931 йил 21 августда қамоққа олинган. 1931 йил 24 октябрда ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги «учлиги»нинг ҳукмига кўра, руҳонийларнинг исёнчилик ҳаракатларида мунтазам қатнашган, совет тузуми олиб бораётган сиёсатга қарши ташвиқот олиб борган, «босмачилар»ни ғоявий руҳлантирганлик каби айбловлар билан 5 йилга сургун қилинган [8. Б. 78–79].

Таъқиб ва тазйиққа учраган диний уламолар, тақводор кишилар ўз жонларини ҳамда оилалари ҳаётини сақлаб қолиш учун хорижга кетишга мажбур бўлганлар. 1917–1934 йилларнинг ўзида Ўрта Осиёдан 900 мингдан ортиқ киши хорижга чиқиб кетган. Расмий маълумотларда XX аср охирларида хорижда 3 миллионга яқин ўзбеклар яшаётгани, шундан 2 миллиони ўзбекистонлик ўзбеклар экани қайд этилган [11. Б. 328]. Ана шундай муҳожирлардан бири Муҳаммаджон Хушмоқов 1914 йилда Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги Найманча қишлоғида туғилган. 1928–1929 йилларда 14–15 ёшларида мадрасада ўқиб юрганида мадраса беркилиб, унинг талабалари таъқиб остига олинганлиги сабаб Туркияга муҳожир бўлиб кетган [12. Б. 123].

Таъқиблар остида хорижга чиқиб кетган диний уламолардан яна бири Абдулбоқий Рўзи қори ўғли оиласидир. У Андижон вилояти Асака туманида 1925 йилда туғилган. Отаси Рўзи қори Андижон мадрасаларида талабаларга Қуръон ва тажвид илмидан сабоқ берган. 1929 йил Рўзи қори бутун оиласини олиб Қашқарга қочиб борган, 1933 йилда ўша ерда вафот этган. Абдулбоқий Рўзи қори ўғли эса 1959 йил Ўзбекистонга қайтиб 1993 йил вафот этган [10. Б. 286–287].

Андижонлик диний уламо Муҳаммадхон Мулла Исҳоқ қори ўғли Маҳжурий (1889–1973) 1933 йилда «ҳақсиз»лар рўйхатига тиркалади. Бундан хабар топган Муҳаммадхон махдум Қирғизистоннинг Ўш шаҳрига қочиб бориб, ўша ердан қўним топган [10. Б. 158–159].

Хуллас, XX асрнинг 20-йиллари охирлари 30-йилларнинг биринчи ярмида диний уламолар ва руҳоният вакиллари фуқаролик ҳуқуқларидан ҳам маҳрум этилиб, турли муддатларга қамоқ, сургун жазосига ҳукм қилинган. Масжидлар, мадрасалар ёпилди, уларнинг иқтисодий таъминоти бўлмиш вақфлар тугатилди, диндорлар таъқиб остига олинди. 1936–1938 йилларга келиб эса жазони ўтаб қайтиб, тинч ҳаётда меҳнат қилаётган диний уламолар, руҳонийлар ўтмишда «босмачилар»га ёрдам берган, уларнинг ғоявий раҳнамоси, «халқ душмани», «синфий ёт унсур» каби айбловлар асосида қайтадан қатағон қилиндилар.

Адабиётлар:

1. *Икромов А.* О духовенстве и школе // Избранные труды. В 3-х томах. Т.1. – Ташкент: Узбекистон, 1972. – 382 с.

2. *Равшанов П.* Қизил салтанат исканжасида. Тажовуз. (Ҳужжатлардаги тарих). Уч жилдлик. I-жилд. –Тошкент: Шарқ, 2011. – 487 б.

3. Ўзбекистон Коммунистик партияси съездлар, резолюция ва қарорлари. I том. –Тошкент, 1957. – 561 б.

4. Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях и решениях съездов и пленумов ЦК. Том первая 1925 – 1937. – Ташкент: Узбекистан, 1987. – 667 С.

5. Россия ижтимоий сиёсий тарихи давлат архиви (РИСТДА), 62-фонд, 2-рўйхат, 310-иш.

6. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. / Тузувчилар: М.Жўраев, Р.Нуруллин, С.Камолов ва бошқ. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 501 б.

7. Россия Федерацияси давлат архиви (РФДА), 5263-фонд, 2-рўйхат, 3-иш.

8. РИСТДА, 62-фонд, 2-рўйхат, 398-иш.

9. Среднеазиатский кишлак в годы Большего террора. / Составители Шамсутдинов Р.Т., Юсупов Э.Ю., Хошимов С., Дустматов Э.П. – Андижон: Издательство АндГУ, 2007.– 500 с.

10. Ўзбекистон уламолари. /Масъул муҳаррирлар: У.Алимов, Б.Бобожонов. – Тошкент: Movarounnahr, 2015. – 491 б.

11. *Шамсутдинов Р.* Қишлоқ фожиаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида). – Тошкент: Шарқ, 2003. – 542 б.

12. *Хайитов Ш*. Ўзбек муҳожирлиги тарихи (1917–1991 йиллар). – Тошкент: ABU MATBUOT-KONSALT, 2008. – 345 б.

13. *Расулов Б*. Ўзбекистонда коллективлаштириш жараёнларидаги сиёсий қатағонлар ва сургун қилинган деҳқонлар аҳволи (1929–1959 йиллар). – Тошкент: Sharq, 2012. – 367 б.

14. Ўзбекистон тарихи (1917–1991 йиллар). Биринчи китоб 1917-1939 йиллар. /Масъул муҳаррирлар: Р.Абдуллаев, М.Раҳимов, Қ.Ражабов. – Тошкент: O‘zbekiston, 2019. – 559 б.

15. Ўзбекистон Миллий архиви (ЎзМА), 94-фонд, 2-рўйхат, 41-иш.

16. ЎзМА, 94-фонд, 1-рўйхат, 642-иш.

17. *Захд Б*. Бутхоналар фронтда. Динга қарши кураш социализм учун курашдир // Худасиз, 1931 йил 13 февараль.

18. Динга қарши курашда комсомол. Динга қарши кураш социализм учун курашдир // Худасиз, 1931 йил 25 февараль.

19. *Рўзматов А.* Клуб муассасаларда ғоявий-сиёсий тарбия. – Тошкент: Ўзбекистон, 1982. – 32 б.

20. ЎзМА, Р-94-фонд, 8-рўйхат, 122-иш.

21. *Макаров К.* Отчетный доклад о деятельности республиканской организации союза «Курящан худасызляр Узбекистана» (СВБ УзССР) за 1930–31 г. – Ташкент: Узгосиздат, 1931. – 24 с.

22. ЎзМА, Р-94-фонд, 5-рўйхат, 1456-иш.

23. Қизил чойхоналарда динга қарши кураш йўлга қўйилсин ... // Худасиз, 1931 йил 25 февараль.

24. Бойлар билан муллалар иттифоқи // Худасиз, 1931 йил 22 январь.

25. Ўзбекистон тарихи (1917–1991 йиллар). Иккинчи китоб. 1939–1991 йиллар. / Масъул муҳаррирлар: Р.Абдуллаев, М.Раҳимов, Қ.Ражабов. – Тошкент: O‘zbekiston, 2019. – 575 б.

FROM THE HISTORY OF THE RELIGIOUS POLICY OF THE SOVIET GOVERNMENT IN UZBEKISTAN

S.A.Khoshimov[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientifc Bulletin. Humanitarian Studies. 2021. 1(53). 41-50.

[1]Andijan State University, Andijan, 170100, str. University, 129 (Uzbekistan).E-mail: agsu_info@edu.uz

Keywords: Bolsheviks, council, congress, party, religion, believers, clergy, proletariat, culture, mosque, madrasah, atheist, church, ideology.

After the October coup, as a result of the cultural policy of the Soviet government, the spiritual life of the peoples of Turkestan was dealt a devastating blow. From the very beginning, the «cultural»policy of the Soviets was aimed at separating morality, literature, and art from the national soil, and instilling «proletarian culture»and communist ideology, which were alien to the national way of thinking.

This is inherently understandable. The Soviet authorities were well aware that they could not stay in this country for long without changing the mentality of our people and setting it on the communist model. The Bolsheviks pursued a policy of struggle against our great spirituality, not all at once, but secretly and openly. In an appeal to all Muslim workers in Russia and the East, published on November 20, 1917, the RSFSR HKS said: «Your religion and customs are your customs. From now on, free and inviolable…", the opposite was true in real life.

On the basis of the decree of the Council of People's Commissars of the RSFSR of January 2, 1918 «On the separation of church and state from school", the policy of atheistic extremism began to be actively pursued in Turkestan. On the basis of the decree of November 1918 in Turkestan on the separation of religion from the state, the school from religion, a «fatwa»was issued to close mosques and madrassahs, to start the fight against Islam and its leaders.

A new step in the policy of religion and believers was the instruction of the Central Committee of the RCP (b) on August 9, 1921 «On the issues of anti-religious propaganda". According to the party's program, party workers were banned from communicating with religious institutions, they were told to actively carry out atheist propaganda and agitation, and they were called to prevent the entry of religious institution employees and their associates into the party ranks. From 1923, on the basis of the decision of the Turkestan Central Executive Committee, the expulsion from the party ranks of party workers who had participated in local religious ceremonies and had contacts with believers.

Bolshevik political circles tried to inculcate a special belief in the minds of the people. This was the idea of Marxism-Leninism. Every effort has been made to popularize it. As a result of the introduction of Marxism-Leninism as the main ideology in society, special worldviews were completely rejected.

Thus, during the period under review, religious scholars and clerics were also deprived of various civil rights. Mosques and madrassahs were closed, their economic foundations were dismantled, and believers were persecuted. From 1936 to 1938, religious scholars and priests were repressed on charges of aiding the «oppressors", their ideological leader, «enemy of the people»and «class alien element".

References:

1. Ikromov, A. (1972) *O duhovenstve i shkole* [About the clergy and school]. In: Izbrannye Trudy [Selected Works]. In 5 volumes. Vol.1. Tashkent: Uzbekiston.

2. Ravshanov, P. (2011) *Qizil saltanat iskanjasida. Tajovuz. (Hujjatlardagi tarix)* [Under the pressure of the Red Empire. Aggression. (History in the documents)]. In 5 volumes. Vol.1. Tashkent: Shark.

3. O‘zbekiston Kommunistik partiyasi s’ezdlar, rezolyutsiya va qarorlari (1957) [Congresses, resolutions and resolutions of the Communist Party of Uzbekistan]. Vol.1. Tashkent.

4. *Kommunisticheskaya partiya Uzbekistana v rezolyuciyah i resheniyah s”ezdov i plenumov CK. (1925-1937) (1987)* [The Communist Party of Uzbekistan in resolutions and decisions of congresses and plenums of the Central Committee (1925-1937)]. Vol. 1. Tashkent: Uzbekistan.

5. Rossiya ijtimoiy siyosiy tarixi davlat arxivi (RISTDA). Fund-62, List-2, Folding Volume-310.

6. Jo‘raev, M. (ed.) (2000) *O‘zbekistonning yangi tarixi. Ikkinchi kitob. O‘zbekiston sovet mustamlakachiligi davrida* [New history of Uzbekistan. The second book. Uzbekistan during the Soviet period]. Tashkent: Shark.

7. Rossiya Federatsiyasi davlat arxivi (RFDA) [State Archives of the Russian Federation (RARF). Fund-5263, List-2, Folding Volume- 3.

8. RARF. Fund-62, List-2, Folding Volume-398.

9. Shamsutdinov, R.T. (ed.) (2007) *Sredneaziatskij kishlak v gody Bol’shego terror* [Central Asian village during the Great Terror]. Andijan: Izdatel’stvo AndGU.

10. Alimov, U. (ed.) (2015) *O‘zbekiston ulamolari* [Scholars of Uzbekistan Tashkent]. Tashkent: Movarounnahr.

11. Shamsutdinov, R.T. (2003) *Qishloq fojiasi: jamoalashtirish, quloqlashtirish, surgun (O‘rta Osiyo respublikalari misolida)* [Rural tragedy: collectivization, deafening, exile (on the example of the Central Asian republics)]. Tashkent: Shark.

12. Khayitov, Sh. (2008) *O‘zbek muhojirligi tarixi (1917-1991 yillar)* [History of Uzbek emigration (1917-1991)]. Tashkent: ABU MATBUOT-KONSALT.

13. Rasulov, B. (2012*) O‘zbekistonda kollektivlashtirish jarayonlaridagi siyosiy qatag‘onlar va surgun qilingan dehqonlar ahvoli (1929-1959 yillar)* [Political repressions and the situation of exiled peasants in the process of collectivization in Uzbekistan (1929-1959)]. Tashkent: Shark.

14. Abdullaev, R. (ed.) (2019) *O‘zbekiston tarixi (1917-1991 yillar). Birinchi kitob.* 1917-1939 [History of Uzbekistan (1917-1991)]. The first book is 1917-1939. Tashkent: Uzbekistan.

15. O‘zbekiston Milliy arxivi (O‘zMA) [National Archive of Uzbekistan. (NA of the RU)]. Fund-94, List-2, Folding Volume- 41.

16. NA of the RU. Fund-94, List-1, Folding Volume- 642.

17. Zahd, B. (1931) Butxonalar frontda / Dinga qarshi kurash sotsializm uchun kurashdir [The churches are at the front. The struggle against religion is a struggle for socialism]. Khudasiz, February 13.

18. Dinga qarshi kurashda komsomol /Dinga qarshi kurash sotsializm uchun kurashdir (1931) [Komsomol in the fight against religion. The struggle against religion is a struggle for socialism]. Khudasiz, February 25.

19. Ruzmatov, A.(1982) *Klub muassasalarda g‘oyaviy-siyosiy tarbiya* [Ideological and political education in club institutions]. Tashkent: Uzbekistan.

20. NA of the RU. Fund-94, List-8, Folding Volume-122.

21. Makarov, K. (1931) *Otchetnyj doklad o deyatel’nosti respublikanskoj organizacii soyuza «Kuryashchan hudasyzlyar Uzbekistana»(SVB UzSSR) za 1930-31 g.* [Report on the activities of the Republican organization «Kurashchan Khudosizlar»for 1930-31]. Tashkent: Uzgosizdat.

22. NA of the RU. Fund-94, List-5, Folding Volume-1456.

23. Qizil choyxonalarda dinga qarshi kurash yo‘lga qo‘yulsin... (1931) [Let the anti-religion struggle in the Red Tea Rooms]. Khudasiz, February 25.

24. Boylar bilan mullalar ittifoqi (1931) [Union of Boylar and Mullahs]. Khudasiz, January 22.

25. Abdullaev, R. (ed.) (2019) *O‘zbekiston tarixi (1917-1991 yillar)*. Ikkinchi kitob kitob. 1939-1991 [History of Uzbekistan (1917-1991)]. The second book is 1939-1991. Tashkent: Uzbekistan.

Муаллиф ҳақида маълумот:

Ҳошимов Соибжон Абдураззақович – тарих фанлари номзоди, Андижон давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедраси доценти.